

ЯККА МУАЛЛИФЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ КИТОБЛАРИ

05:00 / 18.01.2017 5369

Замонавий фикҳга оид китобларнинг якка муаллифлар томонидан ёзилганлари бир қанча. Уларнинг баъзилари ила танишиб чиқамиз

1. «Фикҳус Сунна».

Бу китобнинг муаллифи бир вақтлар Мисрдаги ихвонул муслимийн ташкилотининг аъзоси бўлган Саййид Собиқдир. Кўпчилик уни бу ташкилотдан ажраб чиққунча ихвонларнинг муфтийси бўлган дейишади.

Саййид Собиқнинг бу китобнинг биринчи нашрига ёзган кириш сўзи 1365 ҳижрий сана, 15 Шаъбон куни эканлигидан китобнинг бошланғич тарихини билиб олса бўлади. «Фикҳус Сунна»нинг муқаддимасида фикҳнинг аҳамияти ҳақидаги сўзлар билан бирга фикҳий мазҳабларга қарши қаттиқ ҳужумлар бор. Унда фикҳий мазҳаблар тарихида бўлган нодир ҳолатлар умумий бало офат шаклида талқин қилинган ва бу нарса умматнинг ҳидоятдан мосуво бўлишига сабаб бўлганлиги айтилган.

Жумладан қуйидагиларни ўқиш мумкин.

«Мазҳабларга тақлид ва таассуб қилиш оқибатида уммат Китоб ва Суннат ҳадоятини йўқотди. Ижтиҳод эшиги беркилганлиги ҳақида сўз пайдо бўлди. Шариат фақиҳларнинг гапидан иборат бўлиб қолди. Фақиҳларнинг гапи шариат бўлиб қолди».

«Бунинг оқибатида уммат турли фирқа ва ҳизбларга бўлиниб кетди...». Шунингдек, бунинг оқибатида бидъатлар тарқалди, суннатнинг белгилари йўқолди».

Энг қизиғи «Фикҳус Сунна»га тақриз ёзган Ихвонул муслимийн ташкилотининг асосчиси Ҳасан Банно Саййид Собиқни ва унинг «Фикҳус Сунна»сини мадҳ қилгани билан фикҳга ва ўтган фуқаҳоларга бир оғиз ҳам сўз тегизмаган.

«Фикҳус Сунна» уч жуздан иборат. Муаллиф олдин масалани ва унинг ҳукмини зикр қилиб туриб унга Қуръон ва Суннатдан далил келтиради. Кўпчилик жойларда уламоларнинг қавлини келтирса ҳам кимники эканини айтмайди. баъзи жойларда уламолар айтишича, кўпчилик уламолар иттифоқ қилишча каби сўзларни ишлатади. Мужтаҳид уламоларнинг номлари ҳам аҳёнда зикр қилинади.

«Фикҳус Сунна»нинг тартиби жуда ҳам яхши, сўзлари енгил кўп томондан ўқувчи учун осон бўлиши кўзда тутилган. Китоб ёзилган пайтда кўпчилик

истаб турган нарсаларга катта аҳамият берилган. Шунинг учун бўлса керак «Фиқҳус Сунна» кўпчиликда, айниқса араб зиёлилари ичида катта шуҳрат топган. Уни қайта – қайта чоп қилинган. Ҳатто 1995 йилги «Дорул Фикр» нашри нусхасида «Фиқҳус Сунна»нинг шуҳратини «Тафсири Жалолайни» ва «Риёзус Солиҳийн»га тенглаштирилган.

Шу билан бирга бу китобни танқид қилувчилар ҳам оз эмас. Айниқса фиқҳий китобларни қайта ёзиш кўпайганидан, фиқҳнинг қадри қиммати кишиларга англантилганидан, кўпчиликнинг кўзи очилиб орадаги фарқни тушуниб боргандан ва мазҳабсизлик оқибатлари янгитдан аён бўлганидан кейин танқид яна ҳам кучаймоқда.

Ҳатто «ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху» китобнинг соҳиби доктор Ваҳба Зухайлий «Фиқҳус Сунна»нинг номи ҳам хато эканлигини фиқҳ фақат суннатдан олинмаслигига ишора қилади.

Саййид Собиқнинг бошқа китоблари ҳам бор. Жумладан, «ал-Ақоид ал-Исломия» китоби ҳам кўп тарқалган.

2.«ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху».

Бу китобнинг муаллифи Суриялик машҳур олим доктор Ваҳба Зухайлийдир. У киши Дамашқ университети шариъат куллиясида фиқҳ қисмига кўпдан буён раҳбарлик қилади. Бир неча Ислом фиқҳи академияларининг аъзоси. Катта илмий анжуманларда фаол иштирок қилади.

Доктор Ваҳба Зухайлийнинг «ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху»дан бошқа китоблари ҳам бор.

1. Тафсири Мунийр.

Ўттиз икки жузли бу катта асар ўн олти жилдда нашр этилди.

2. Осорул ҳарби фил фиқҳил исламий.

Бир жилдли бу асарда жуда ҳам кўп маълумотлар келтирилган.

3. Усулул фиқҳил исломий.

Икки жилдли бу китобда усулул фиқҳ илми замонавий ва осон йўл ила баён этилган.

«ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху»ни Доктор Ваҳба Зухайлий Дамашқдаги «Дорул Фикри» нашриёти таклифига биноан ҳозирги замон мусулмонларига шариат аҳкомларини кенг миқёсда тушунтириш мақсадида ёзган. Унда муайян бир мазҳабга суюнилмаган. Асосан тўрт мўътабар мазҳабга асосланган.

Доктор Ваҳба Зухайлий «ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху»да далилларни Қуръони Карим, Суннати набавия ва мажтаҳидларнинг ижтиҳодлари ва ақлий далилиаридан олган.

Доктор Ваҳба Зухайлийнинг фикрича Ким ислом фиқҳини фақат Қуръонга боғлаб қўйса исломни томирини қирққан бўлади ва ундоқ шахс ислом душманларига яқин бўлади. Ким ислом фиқҳини фақат суннатга боғлаб

қўйса уни нуқсонга бурган ва унга ёмонлик қилган бўлади.

Доктор Ваҳба Зухайлий «ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху» фақиҳлар далил қилиб келтирган ҳадисларнинг саҳлиги ва бошқа мартабада эканлигини, кимлар ривоят қилганини ҳам айтиб ўтган.

Китобда аввал умумий тушунчалар келтирилиб кейин тўрт мазҳабдан ҳар бирининг ўзига хос қарашлари алоҳида келтирилган.

«ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху» асосан илмий ва воқеъий масалаларга аҳамият берилган. Фаразий ва воқеъликдан йироқ масалалар четлаб ўтилган. Гоҳида муаллиф гаплардан қай бири кучли эканига ишор қилиб ҳам ўтган.

«ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху» тартиби гўзал, боблари жойида, усулби осон, тили равон замон талабига жавоб берадиган китобдир. Дастлабки нашрларида баъзи янги пайдо бўлган масалаларга ҳам эътибор берилган.

Аммо кейинги нашрларда «ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху»га анча ўзгаришлар киритилди. Жумладан:

Жузъий ўзгартишлар киритилди ва янги тадқиқотлар қўшилди. Ислом фиқҳи академиялари қарорлари қўшилди.

«ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху»нинг Янги нашрларидан бирига ёзилган муқаддимада Доктор Ваҳба Зухайлийнинг ўзи китобнинг самараси ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Аллоҳга ҳамд бўлсинки, Ушбу китобим ўзининг Аниқлиги, ишончилиги ва воқеълиги ила икки асосий ишга ўз ҳиссасини қўшди:

Биринчиси:

Мусулмонларни тўғри йўлга йўналтириш ва уларга Аллоҳнинг дин ива шарияти аҳкомларини ўргатиш. Хусусан, илмлар аралаш – қуралаш бўлиб кетган, мутахассислик озайган, шаръий аҳкомлардага фатволар аниқ бўлмай қолган бир пайтда...

Бу китоб мазҳаблар сиртдан Исломга мансуб бўлган, аммо ўзлари ундан узоқ бўлган кишилар ҳамда ижтиҳод ва янгилашни даъво қилиб шаръий ҳукмларни тўғридан тўғри Қуръон ва Суннатдан олишга уринаётганлар томонидан қаттиқ ҳужумга учраб турган бир пайтда фиқҳий мазҳабларга ёрдамчи бўлди. Ҳолбуки, мазкур кишилар далиллардан ҳуқи чиқаришнинг энг бошланғич қоидаларини ҳам билмайдилар. Балки илмдан, шарият аслларидан ва араб тилидан мутлақо бегона кишилардир. Улар мазҳабларнинг фиқҳи жуда ҳам метин ва чуқур фиқҳ эканини билмайдилар ёки билишни истамайдилар.

Доктор Ваҳба Зухайлий «ал-Фиқҳул Исламию ва адиллатуху»нинг аввалида биринчи қисми бошлашдан олдин икки юз саҳифалик фиқҳ ҳақидаги зарурий муқаддималарни келтирган.

«ал-Фикҳул Исламию ва адиллатуху» китоби ҳақиқатдан ҳам таҳсинга сазовор китобдир. Аммо бир киши бир неча мазҳабни худди ўзидек қилиб баён этиши мушкул. Ҳозирги замон моликий фикҳининг кўзга кўринган уламоларидан бири устозимиз шайх Тоййиб Абдулваҳҳоб Наъоснинг таъкидлашларича Доктор Ваҳба Зухайлий «ал-Фикҳул Исламию ва адиллатуху»да моликий мазҳаби далилларини келтиришда нуқсонларга йўл қўйган. Гоҳида уларнинг далилларини тўлиғича келтирмаган.

3. «Эълоус Сунан».

Бу китобнинг муаллфи Зафар Аҳмад Усмоний бўлиб у киши Ҳиндистоннинг Дуюбанд шаҳрида ҳижрий сананинг 1310 да Робийъул Аввал ойининг 13 да туғилган. Диний илмларни ўша вақт ва ернинг кўзга кўринган уламоларидан, жумладан тоғаси Ҳакиймул Умма Муҳаммад Ашраф Али Таҳонавийдан олган. Турли илмлардан дарс берган.

Сўнгра тоғаси Ҳакиймул Умма Муҳаммад Ашраф Али Таҳонавий унга фатво ва дарсни топширган ҳамда «Эълоус Сунан» китобини ёзишни амр қилган. Зафар Аҳмад Усмоний «Эълоус Сунан»ни йигирма йил давомида ёзган. Бу китоб иккита муқаддимаси ила йигирма жуз бўлган.

Зафар Аҳмад Усмоний бошқа китобларни ҳам кўплаб ёзган. Баъзиларини эслаб ўтишимиз мумкин:

1. «Инжоул ватан анил издиروي би имамиз заман».

Бу китобда Зафар Аҳмад Усмоний имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳи, у кишининг шогирдлари ва издошларидан бўлган катта муҳаддис фуқоҳоларнинг таржимаи ҳолларини кенг равишда келтирган.

2. «Далоилул Қуръон ала масоилин Нўъмон».

Бу Жассоснинг «Аҳкомул Қуръони»га ўхшаш китобдир. Унинг номидан ҳам мақсад имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳининг мазҳабига хизматлиги кўриниб турибди.

3. «Кашфуд дужа ан важҳир риба».

Рибо ва унга оид масалалар баёни.

4. «ал-Фатавий ал-Имдодия».

Зафар Аҳмад Усмонийнинг фатво сўраганларга берган жавоблари тўплами. Бу тўплаб етти жилдли бўлган ва тоғаси Ҳакиймул Умма Муҳаммад Ашраф Али Таҳонавий уни «Имдодул Аҳком фии масоилил Ҳалали вал Ҳаром» деб номлаган.

Зафар Аҳмад Усмоний роҳматуллоҳи алайҳи 1394 ҳ.с., Зул – Қаъда ойида вафот этган.

«Эълоус Сунан» Зафар Аҳмад Усмонийнинг бош асари ҳисобланади. Бу китобнинг учта катта муқаддимаси бўлиб уларнинг ҳар бири алоҳида катта китоб ҳисобидадир.

Биринчи муқаддиманинг номи «Қавоиду фии улумил ҳадис» бўлиб унда

ҳадис илмига оид жуда ҳам кўп қоида ва фоидалар жамланган. У ўзига хос ягона турдаги китоб шаклига қалган.

Иккинчи муқаддима «Қавоиду илмил фикҳи» деб аталади ва жуда кўп фикҳий қоидаларни ўзига жо қилган.

Учинчи муқаддима «Абу Ҳанифа ва асҳобухул муҳаддисийн» деб номланган ва ҳанафий мазҳабидаги муҳаддислар ҳамда уларнинг илмий асарлари ҳақида нодир маълумотларни ўзида жамлаган.

«Эълоус Сунан»нинг ёзилиши сабаби ҳақида машҳур олим Абдулфаттоҳ Абу Ғудда роҳматуллоҳи алайҳи қуйидагиларни ёзади:

«Ушбу улкан фойда соҳиби бўлган китобнинг ёзилиши сабаби қуйидагича. Тахминан Ушбу асрнинг ярмидан бошлаб Покистон ташкил бўлишдан олдин Ҳиндистоннинг баъзи ерларида ўзларини «аҳли ҳадис» деб атаб олган баъзи кимсалар бошлаган нағмадир. Улар ҳанафийларнинг мазҳаби – кенг ва кўп диёрларда тарқалган мусулмонлар жумҳурининг мазҳаби – кўп масалаларда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига хилоф дея жар солишди. Улар яна ҳанафийлар қиёси ҳадиси шарифдан устун қўядилар деган даъвони қилишди. шунингдек, улар мўътабар тўрт имомга тақлид қилишни инкор этдилар ва ҳанафий фикҳига, хусусан миллатнинг имоми Абу Ҳанифанинг фикҳига тил текказишди.

Ушбу сохта даъволарга қарши ҳинд диёрининг забардаст уламолари радиё қилишга бел боғладилар. Улар ҳадис борасида ёзган китоблари орқали мазкур даъволарни парчалаб ташладилар. Ўша китобларда ҳанафий фақиҳлар ҳадиси шарифларни қандай ишлатишларини баён қилиб бердилар. Шунингдек, ҳанафий фақиҳлар ҳатто заиф ҳадисни ҳам қиёсдан устун қўйишларини исбот қилдилар.

«Эълоус Сунан»нинг муаллифи бўлса ҳанафийлар саҳобаларнинг гапларини ҳам қиёсдан устун қўйишларини ҳужжат ва далиллар ила исботлаб берди».

Абдулфаттоҳ Абу Ғудда роҳматуллоҳи алайҳи Зафар Аҳмад Усманийнинг «Эълоус Сунан»ига ёзган тақризида бу китобни юксак баҳолаб қуйидагиларни ёзади:

«Ҳақиқатда аллома Таҳонавий, Аллоҳ у кишининг савобини кўпайтириб берсин, ўзининг «Эълоус Сунан» китобида фикҳ бобларининг барчасининг «Китоби таҳорат»дан бошлаб охириги бобларигача барча далилларини тўлиқ келтирган. Бу ишда у жуда катта меҳнат қилган ҳадис ва фикҳга оид масалларнинг нозик ерларини очиб берган. Бу нарсалар уламоларнинг эътиборини жалб қилган ва китоб қўлма қўл бўлиб кетган. Катта уламолар ҳам ундан бирор нусха топишни ўзларидаги улкан орзулардан бирига айлантиришган».

Кўзга кўринган арбоблардан аллома Кавсарий «Эълоус Сунан»ни кўриб

ундаги маълумотлар ва улкан илмий ишлардан даҳшатга тушганини муаллифга қойил қолганини айтади.

Ҳақиқатда «Эълоус Сунан» Абдулфаттоҳ Абу Ғудда роҳматуллоҳи алайҳи таъкидлаганидек, «ўн тўртинчи ҳижрий асрда ёзилган энг катта ва энг афзал китобдир».

«Эълоус Сунан» кўп марта нашр этилган уларданбаъзилари 22 жузни ташкил қилади.

4. «ал-Фикҳул Ҳанафию ва адиллатуху».

Бу китобнинг муаллифи шайх Асъад Муҳаммад Саъид Соғирчидир. Унинг биринчи нашри 2000 йилда амалга оширилди. Муаллиф фикҳий муқаддималардан кейин эски фикҳ китоблари тартиби ила масалаларни келтириб уларнинг далилларини ҳанафий мазҳаби бўйича баён қилишга ўтган.

«ал-Фикҳул Ҳанафию ва адиллатуху» уч жуздан иборатдир. Иложи борича тартибли қилишга ва далиларни батафсил келтиришга ҳаракат қилинган бўлса ҳам Яна ҳам унумлироқ ҳаракат қилиш мумкинлиги кўриниб туради.

5. «ал-Муомалот ал-Молия».

Ушбу ном ила кўпгина китоблар ёзилди. Молиявий масалалар кўп учраб мусулмонларнинг ҳожати кўп тушиб тургани учун ҳам бу иш амалга оширилганлиги кўриниб турибди. Иккинчидан молиявий муассасаларнинг имконлари яхшилиги ҳам бош омил ўлароқ бу маънодаги баҳс, тадқиқот ва китобларни юзага келишини тезлаштирди. Турли банклар ва бошқа иқтисодий муассасалар уламоларга шароит яратиб бериб улардан ўзларининг ҳожати тушиб турадиган масалаларни ёритиб беришни сўрадилар ва бу иш амалга ошди.

Бу турдаги китобларга доктор Ваҳба Зухайлийнинг «ал-Муомалот ал-Молия» деган асарини мисол қила оламиз. муаллиф бу китобида бугунги кундаги молиявий муомалаларни осон услуб ват ил билан қисқача баён қилиб берган.